



- * Йўлдан адашганларнинг тавба-тазарруси
- * Паҳлавон Маҳмуднинг ёшларга ўғити
- * Қашқадарёлик илон чакса роҳатланадиган йигит
- * Битлар ҳам рақсга тушармиш



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак



1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 апрель Шанба. № 27 (144218)

Орол муаммоси ижобий томонга ўзгармоқда

АШГАБАД, 9 апрел. /ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилди/. Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оролни қутқариш Халқаро Жамғармасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун 8-9 апрел кунлари Туркменистон пойтахтида бўлди.

Минтақамиз мамлакатлари давлат раҳбарларининг Ашгабад саммити, албатта, фақат бир мавзу билан чекланиб қолгани йўқ. Саммитнинг биринчи кунидеёқ кун тартибидан Орол муаммоларидан ташқари, бошқа масалалар ҳам жой олди. Булар сирасида минтақа миқёсидаги интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар ҳам кўриб чиқилди. Президентлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига туртки берадиган, давлатларимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида интеграциялашувини фаоллаштирадиган минтақавий лойиҳаларни муҳокама қилди. Ушбу лойиҳалар Каспий денгизи энергетика захираларини жаҳон бозорига етказиш, электр энергияси экспортини кенгайтириш, телекоммуникация, темир йўл ва автомобил йўли алоқасига тааллуқлидир. Учрашувда минтақавий миқёсдаги ва давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Аммо, дастлаб учрашувнинг бош масаласи бўлган Орол муаммосига қайтайлик. Урта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этишга бел боғлади. Хусусан, Оролбўйидаги экологик бўҳрон давлатларимизни бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундади. Натижада Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма 40 миллионга яқин нуфуслик минтақада янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини зарур дори-дармон, тиббий хизмат ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг изчил савий-ҳаракатлари Орол муаммоси ечимига йирик халқаро молиявий ташкилотлар, кўплаб хорижий давлатларни жалб қилди.

Саммитда Ўзбекистон раҳбари - Оролни қутқариш Халқаро Жамғармаси Президенти Ислам Каримов жамғарманинг 1997-1999 йиллар давридаги фаолияти ҳақида сўзлади. Ўтган вақт мобайнида Орол муаммоси ижобий томонга ўзгараётганини кузатиш мумкин. Масалан, Оролбўйида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ичимлик сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди. Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўхтади.

Аммо, шундай бўлса-да, ечимини кутиб ётган муаммолар ҳали кўп. Хусусан, Ислам Каримов минтақада сувдан тежамли фойдаланиш йўлга қўйилмаганини таъкидлади. Албатта, эҳтиёжимизни қондириш учун минтақада сув захиралари етарли. Бироқ, асосан Амударё ва Сирдарё ҳамда буларнинг ўзларидан бошқа манбаъ йўқлигини ҳисобга олиш лозим. Оддий миеол, беш ярим миллион нуфуслик Исроилда йилига икки миллиард куб метр сув сарфланади, қарийб эллик миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган бизнинг минтақада эса бу кўрсаткич юз миллиард куб метрга тенг. Яъни, тежамсизлик оқибатида беш-олти баробар кўп сув сарфланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, сув захираларидан тўғри, тежамли ва масъулиятли равишда фойдаланилса, сарфланаётган сув миқдорини камда ўн фоизга камайтириш мумкин.

Учрашувда Ислам Каримов бу масалага ёндошганда, айниқса, одамларни тежамкорликка даъват қилиш лозимлигига эътибор қаратди. Дарҳақиқат, лойиҳа ишлаб чиқиш, амалга ошириш мумкин, лекин одамлар унинг моҳиятини билмаса, муаммони англамай, умумминтақавий ишга онгли равишда бош қўшмаса, кутилган натижага эришиш қийин.

Мамлакатимиз раҳбари сув захиралари ҳақида сўзлар экан, минтақанинг айрим давлатларида сувдан электр энергияси олиш имконияти кўплигини, лекин бу имконият ишга солилмаётганини қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, хорижда имкон йўқлиги бонс шамолдан, қуёш нуридан фойдаланиётганини кўп эшитамиз. Бизнинг минтақада эса аксинча, қулай имконият бору уни ишга солиш йўқ. Минтақадаги сув захираларида балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва оқова сувлардан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида ҳам имкониятлар кўп. Давлатимиз раҳбари саммит иштирокчиларини бундай масалаларни умумминтақавий савий-ҳаракатлар билан ечишга даъват қилди.



Сураткаш Фарход ҚУРБОНБАЕВ (ЎЗА)

ОРОЛ МУАММОСИ ИЖОБИЙ ТОМОНГА ЎЗГАРМОҚДА

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Ўзбекистон Президенти айна пайтда кўпроқ имкониятлар даражасидаги лойиҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Чунки йирик лойиҳаларга салоҳият ва маблағ етишмаслиги мумкин. Халқаро ташкилотларнинг ҳам катта лойиҳаларни молиялаштириши қийин кечади. Маълумотларга қараганда, Орол муаммоси билан боғлиқ лойиҳаларнинг фақат йигирма фоизи минтақа давлатлари томонидан молиялаштирилмоқда, қолган қисми эса халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар зиммасига тушаётди.

Ашгабад саммити қатнашчилари Ўзбекистон раҳбарининг таклиф ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлади. Ислол Каримовнинг Оролни кутқариш халқаро жамғармасига раҳбарлиги даврида улкан ўзгаришлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг жамғарманинг янги президенти масаласи кўриб чиқилди. Жамғарма низомига биноан, унга раҳбарлик қилиш муддати икки йилдан иборат. Ашгабад саммитида Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов жамғарма раҳбарлигини қабул қилиб олди. Саммит кун тартиби доирасида Оролни кутқариш Халқаро Жамғармасининг низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, жамғарма ва унинг қошида очилган ташкилотлар мавқеини белгилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Учрашув якунида Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳамда Орол муаммолари бўйича учрашув якунларига доир Ашгабад Декларацияси қабул қилинди.

Саммит низоюсида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда президентлар кўриб чиқилган масалалар, эришилган келишувлар хусусида сўзлади. Давлат раҳбарлари журналистларнинг минтақавий интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар хусусидаги саволларига ҳам жавоб қайтарди. Хусусан, Туркменистоннинг МДХ мамлакатлари билан визасиз тартибни бекор қилиши масаласига оидинлик киритилди. С.Ниёзовнинг таъкидлашича, визасиз тартиб мамлакатга четдан жиноятчилар киришига ва бошқа кўнгилсизликларга имкон яратмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислол Каримов Туркменистон ҳукуматининг бу қарорига муносабат билдириб, уни тўғри тушуниш лозимлигини таъкидлади. Албатта, айна вақтда, масалан, Фарбий Европада кучли интеграция жараёнлари бошланиб, аксинча визасиз тартиб жорий қилинмоқда. Бу замона руҳига мос ҳаракат. Лекин, бизнинг минтақада визият бироз бошқача. Мисол учун жиноят бир давлатда тайёрланади ва ўзга бир мамлакатда содир этилади, ижрочилар эса учинчи мамлакатга яширинади. Шу каби масалаларни ҳисобга олсак, Туркменистон раҳбариятининг визасиз тартибни бекор этиш тўғрисидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарордир, дейиш мумкин.

МДХ доирасида юз бераётган ўзгаришларнинг минтақавий интеграция жараёнларига таъсири ҳақидаги саволга президентлар деярли бир хил мазмунда жавоб қайтардилар. Хусусан, минтақа давлатлари халқларини тил, дин, тарих ва маданиятдаги муштаракликдан ташқари, нонга, ер-сувга, меҳнат ва меҳр-шафқатга бир хил муносабат ҳам бирлаштиради. МДХ доирасида «катта оға» сингари тушунчаларга энди чек қўйилди.

Матбуот анжуманида Тожикистонда Россия ҳарбий базаси очилиши масаласи ҳам кўтарилди. Албатта, ҳар бир давлат қайси мамлакат билан қандай муносабат қуришни ўзи белгилайди. Хусусан, ўз ҳудудда хорижий мамлакатнинг ҳарбий базасини очишга ҳуқуқи бор. Миллий манфаатлар, давлатнинг дахлсизлик ва хавфсизлиги, суверенитетини сақлаш нуқтаи назаридан олганда, бу оддий ҳол. Лекин миллий манфаатлар, давлатнинг дахлсизлик ва хавфсизлиги, суверенитетини сақлаш нуқтаи назаридан олганда, таъкидлаш керакки, ўз тупроғида ўзга мамлакатнинг ҳарбий базаси очилишига рухсат беришдан ҳеч бир давлат фойда кўрмаган. Бунга яқин ўтмишдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Саммит доирасида давлат раҳбарлари Туркменистон пойтахтида барпо этилган янги иншоотлар билан ҳам танишди. Хусусан, Ашгабадда 1948 йили рўй берган ва қарийб 160 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган зилзила қурбонлари хотирасига атаб бунёд этилган ёдгорликка гулчамбар қўйилди. Президентлар Бетарафлик арқини ҳам зиёрат қилдилар.

ЎЗА

Буюк соҳибқиронга эҳтиром

Мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуд кунини кенг нишонланмоқда. Амир Темур беназир давлат арбоби ва бунёдкор шахс сифатида жаҳон цивилизацияси ва маданиятини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг маънавий мероси ўзбек миллий давлатчилигининг мустаҳкамланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

9 апрель - Амир Темур таваллуди кунини юртимиз пойтахтининг улуг бобокалонимиз номи билан юритилувчи ҳиёбони

одамлар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерга Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва муассасаларнинг раҳбарлари, меҳнат ва уруш фаҳрийлари, ёшлар, хорижлик меҳмонлар келдилар.

Амир Темурнинг майдонга шуқуҳ ва салобат тўкиб турган улугвор ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов қатнашди.

Республика олий ўқув юртлари талабалар театр-студиялари жамоалари "Ниҳол-99" фестивали қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси ёшларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз тенгдошлар, дўстлар!

Мустақил диёримиз истиқлолнинг саккизинчи йилига қадам қўйди. Ўтган қисқа давр ичида иқтисодий юксалиш, миллий давлатчиликни қарор топиши, маънавий-ахлоқий такомиллаштиш жабҳаларида ифтихор қилса арзийдиган ютуқларга эришилмоқда. Бой маданий меросимиз, тарихимиз, маънавий қадриятларимиз тикланмоқда. Миллий ўзликини англаш, маънавий руҳий покланиш, "буюк Уйғониш" даври бошланди. Халқимизнинг буюк тарихи, алломаларимиз яратган ноёб, оламшумул илмий тадқиқотларидан баҳраманд бўлиш имкониятлари пайдо бўлди. Она—Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида тан олинлишига эришилди. Бу улкан ўзгаришларда, шубҳасиз жамиятимизнинг салмоқли қисмини ташкил этган биз -- ёшларнинг алоҳида ўрнимиз, масъулигимиз бор.

Буюк маърифат, маданият ўчоғи бўлган, бутун дунёда ўз илмий тадқиқотлари, олим фозиллари билан машҳур бўлган миллатга мансублигимиздан, танамизда буюк аждодаларимиз ва даҳларимиз қони мавж ураётганидан фахрланамиз ва гурурланамиз.

Олий таълим муассасалари талабалар театр-студия жамоалари "Ниҳол-99" фестивалининг бу йил илк бор ўтказилишини Юртбошимиз томонидан ёшларимизга бўлган эътибор ва оталарча ғамхўрликнинг яна бир тимсоли сифатида қабул қиламиз.

Фестиваль иштирокчилари бунинг гувоҳи. Зотан ҳар биримизнинг орзу-умидимиз, эзгу ниятимиз, тақдиримиз шу азиз Ватан истиқболи билан бевосита боғлиқ.

Мустақил юртимиз, Президентимиз бизга яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етайлик, уни эъзозлайлик, шунга лойиқ фарзанд бўлайлик. Миллатга фидойилик, Ватанга, Президентга садоқат, истиқлолга даҳдорлик, ҳар биримизнинг ҳаёт мезонимиз, фикр ва турмуш тарзимиз бўлиши даркор!

Ўзбекистон йилномасида биринчи марта бўлиб ўтаётган олий ўқув юртлари талабалар театр-студиялари жамоаларининг "Ниҳол-99" фестивали юртимизда кечаётган миллий-маънавий уйғонишнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Фестиваль қатнашчилари озод юртимизнинг барча ёшларига **мурожаат** этиб уларни:

Ватан ободлиги, халқимиз фаровонлиги, замонавий билимларни чуқур ўзлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда фаол бўлишга, буюк даҳларимизнинг ўлмас меросини мукамал ўрганишга ва бой анъана, маросим, байрам ва қадриятларни эъзозлаш, уларни қадрлашга, миллат ва истиқлол йўлида фидойиликка ҳамда диний экстремизмнинг турли кўринишларига муросасиз бўлишга даъват этади.

Ватан, миллат, истиқлол ва Президентимизга садоқат ва фидойилик ҳар биримизнинг виждон, қалб қаққиривига, келажак олдидаги масъулиятимизга айлансин.

Республика олий ўқув юртлари
талабалар театр-студиялари
жамоаларининг "Ниҳол-99"
фестивали қатнашчилари

КОМИЛА ҚИЗ ҚАНДАЙ

Гулистон Давлат университетида минг нафарга яқин зебо ва талабчан қизлар таҳсил олади. Талаба қизларнинг лобарлиги-ю, латофатлигини яна бир бор синаш мақсадида факультетлараро "Санамлар баҳси" кўрик-танлови ўтказилди. Унда талаба қизларнинг ўз ҳуқуқларини, оила ва жамият олдидаги бурчларини, бу доирадаги билимларини яна бир қарра

"имтиҳон"дан ўтказдилар.

Иштирокчи қизлар кўригининг "Факультетда бир қиз бор", "Қомила қиз қандай бўлади", "Экология ва аёл", "Моҳир уй бекаси" ва "Менинги бўш вақтим" каби мавзулари бўйича саралашди.

Бунга кўра Нилуфархон Одилова "Санамлар баҳси" кўрик-танлови 1-босқичининг мутлақ ғолиби деб топилди.

Л. НАЖМУЛЛАЕВА

Тошкентда илк бор «Микаса» Кубоги учун мусобақа

Тошкентда 24 майдан 31 майгача Япониянинг волейбол тўплари ва бошқа анжуманларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган машҳур «Микаса» фирмаси Кубоги учун хотин-қизлар командалари ўртасида волейбол бўйича халқаро мусобақа ўтказилади.

Республика Миллий олимпия қўмитасида бўлган матбуот анжумани ана шу мусобақага тайёргарлик масалаларига бағишланди.

Япония фирмаси номидан иштирок этган профессор Муҳамед Шихаб мухбирлар саволларига жавоб қайтариб, ҳозирги вақтда жаҳонни ўз маҳсулотлари билан таъминлаётган «Микаса» илк бор волейбол бўйича халқаро мусобақани айнан Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилганини таъкидлади. Бунинг 1997 йил Тошкентда волейбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақалари жуда юқори даражада ташкил этилгани унинг иштирокчилари ва мухлисларида ажойиб таассурот қолдиргани билан изоҳлади.

«Микаса» Кубоги учун бўладиган халқаро мусобақада Россия Федерацияси, Қирғизистон, Ўзбекистон, Япония, Жанубий Корея ва Ҳиндистон командалари иштирок этади.

ЎЗА/

ДИН ВА ЁШЛАР

Республика "Қамолот" жамғармасида "XXI аср ёшлари ва асл мусулмоннинг замонавий қиёфаси" мавзуида мулоқот бўлиб ўтди. Унда бир қатор олийгоҳ талабалари ва эксперт сифатида таклиф қилинган меҳмонлар иштирок этишди. Учрашувни Республика "Қамолот" жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов олиб борди.

Сухбат ёшларимизнинг онгида диний эътиқод тушунчаларини шакллантириш, диний экстремизм ҳамда ақидадарастликнинг олдини олиш ва 16 февраль воқеаларига ёшларнинг билдираётган муносабатларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган эди.

Учрашувда сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамаси Диний қўмита раиси Фозил қори Собиров дин билан ақидадарастликни фарқлаш кераклигини ва турли оқимлар томонидан "кашф" қилинаётган қонун-қоидалар умуман динга ҳам бўғунги ҳаётга ҳам тўғри келмаслигини мисоллар орқали изоҳлаб берди.

Шундан сўнг талабалар ўзларини қизиқтирган саволларни эксперт аъзоларига бердилар, шу билан бирга асл мусулмонларнинг замонавий қиёфаси ҳақида ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

Хуршид РЎЗИЕВ

ЎЗБЕКЧАНИ ЎРГАНИШАЛАР ҲОЛИБ

Қашқадарёда "Қамолот" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда мактабларнинг русийзабон ўқувчилари ўртасида "Мен ўзбекча сўзлашаман" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда вилоятнинг ўн битта туманидан ташриф бурган жамоалар ўзаро беллашдилар. Бунда ўқувчиларнинг ўзбекча раво фикрлашлари, гаплашишлари, миллий урф-одатларни билишлари, берилган русча матни тезда ўзбекчага таржима қила олишлари, миллий рамзларни изоҳлашлари ҳакамлар томонидан баҳолашиб борилди.

Тадбирда Чироқчи тумани Вишневский номидаги мактаб ўқувчилари биринчи, Китоб туманидаги Зулфия номидаги 2-мактаб иккинчи, Нишон тумани Камолитдин Бехзод номи мактаб ўқувчилари учинчи ўринни эгаллашди. Ҳолиб жамоалар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

С. НОРМУРОДОВ

"ШУНҚОР"ЛАР

Кунини кеча Фарғонада "Шунқорлар" ҳарбий спорт уйинининг якуний босқичи ўз низоюсига етди. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларда ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик фазилатларини уйғотишда бу тадбир катта аҳамият касб этади. 23 жамоа ўзаро беллашган ушбу тадбирда Қува туманидаги 37-мактаб ўқувчилари ғолиб чиқди, Фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Ҳолиб жамоа билан бирга тадбирда иштирок қилган энг фаол ўқувчи ҳамда ёшларни мусобақага тайёрлаган мураббийлар ҳам "Қамолот" жамғармаси ҳамда ҳомийлар томонидан тақдирландилар.

Шунингдек, вилоятда "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови ҳам яқунланди. Унда беш жамоа ўзаро беллашди ва ҳуқуқ лицейининг "Ал Қонун" жамоаси ғолиб чиқди.

Ўз мухбиримиз

БИЗ "ҲЕЗБИ ТАҲРИР"НИ БИЛМАСДИК

Шокир АБДУЛЛАЕВ -- Самарқанд давлат тиббиёт институтининг III курс толиби:

-- Бундан бир йил олдин намоз ўқишни бошладим. Жума намозига бориб турардим. Бахтиёр деган йигит билан танишиб қолдим. Мен 20 ёшдаман. У мендан каттароқ. Икки-уч учрашувдан сўнг менга "Ислом низоми" деган китоб берди. Исломга, Оллоҳни севишга даъват этиб маърузалар қилди. Тошкентда 16 февралдаги воқеа бўлгандан сўнг у келиб, китобларни йўқотишим кераклигини айтди. Кейин билсам, мен ҳам "Ҳезби таҳрир" гуруҳи таъсир доирасига тушган эканман. Аммо, Бахтиёр бизга асл мақсадларини ҳали айтмаган эди.

Эшитишимча мазкур гуруҳнинг мақсади исломни тозалаш, бунга эса ҳокимиятни қўлга олиб эришиш экан. Бу ёвуз ниятли кимсалар таъсирига тушиб қолганимдан пушаймонданман. Менинг қилган хатоим учун халқимиз, дўстларимиз кечирсинлар. Аммо энди адашиш йўқ. Ўқишни тугатиб, Ўзбекистонимиз келажаги учун ҳалол меҳнат қиламан.

-- Ўткир МАҲКАМОВ -- Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия факультетининг III-курс толиби:

Отам оламдан ўтаётган пайт намоз ўқиш ва рўза тутишни васият қилган эдилар. Рамазон ойида рўза тутишга ётоқхонада шароит бўлмагани учун дўстим Шокирнинг ижарада турадиган уйига чиқдим. Шокирнинг таниши бир-икки марта келиб, намоз, рўза ва диний амалларнинг афзалликлари тўғрисида ваъз ўқиди. Кейин икки-уч

хилдаги ҳеч қандай нашриётдан ўтмаган китоблар олиб келиб берди.

Тошкентдаги портлаш ҳодисасидан кейин "китобларни йўқотинглар" деди-ю, келмай қўйди. Бизда шубҳа пайдо бўлиб китобларни тегишли идораларга топширганимизда билдикки, ўзимиз билиб-билмай "Ҳезби таҳрир" гуруҳининг аъзосига айланиб қолаётган эканмиз. Энди бундай ноқасликларга йўл қўймаймиз. Ҳар бир қадамимизни билиб босишга ҳаракат қиламиз.

Шокир ҚАРШИЕВ -- Самарқанд давлат тиббиёт институти талабаси:

--Оилада 6 фарзандимиз. Илгари намоз ўқимасдим. Дўстларимнинг қизиқтиришлари таъсирида мен ҳам рўза тутдим. Улар ҳам бировнинг таъсирига тушиб қолган экан. Икки марта Шокир дўстимникига келиб, дарсларга қатнашдим. Нотаниш киши иймон, намоз, диннинг афзалликлари ҳақида гапирарди. Кейин ўзимда қизиқиш бўлмагани учун дарсларга келмай қўйдим.

Мустақил Ватанимиз истиқболлини кўролмаётган турли қора кучлар ҳар хил йўллар билан ёшларимиз онгини, дунёқарашини ўзгартиришга ҳаракат қилиши мумкин. Тенгдошларимни бундай гуруҳлар таъсиридан огоҳ бўлишларини истайман. Президентимизнинг ёшларга бераётган илм олиш имкониятларидан фойдаланиб, келажақда шу муқаддас Ватан учун чин дилдан хизмат қилиш бурчимиздир.

**Самарқандлик журналист
Гофур ЯХШИЕВ суҳбатлашди**

АЖДОДЛАР ИЗДОШИ БЎЛАЙЛИК

Ҳали 16 февраль фожаларидан жунбушга келган кўнглимиз таскин топмасдан туриб Ҳоразмнинг "Саримой" даҳасида 30 апрель куни беш нафар ноқаслар тинчлигимизга раҳна солишга уриндилар. Шукрки, қонун посбонлари уларнинг қора ниятлари амалга ошишига йўл қўймади. Мунофиқлар гаровга олган автобусдаги йўловчилар фалокатдан халос қилинди.

3 апрель куни Ҳоразм телевидениесида намойиш этилган "Муносабат" кўрсатувида мухбирнинг жиноятчилардан бири бўлмиш С.Бобожоновнинг отаси билан бўлган суҳбати берилди. Мухбир саволларига жавоб қайтарар экан, ота гўё ўглининг қинғир ҳаракатларидан беҳабарлигини гапирди. Олти ойдан буён уйга келмаганлигини айтди. Янгибозор туманида жиноятчи С.Бобожонов яшаган маҳалланинг оқсоқоли ҳам отанинг сўзларини ёқлаб, сафсата сотди.

Майли, лаънати авбош фарзанд олти ой уйда бўлмаган бўлса бордир. Лекин соқолига оқ орлаган кекса падар хаёли қаёқда эди? Нега уни ёшлигиданоқ яхши тарбияламади? Маҳалла оқсоқоли ҳам наҳотки, тарбия бешикдан то қабргача инсонни инсон қилиб шакллантирувчи ахлоқий мувозанат эканлигини билмаса?! Ахир тарбия масаласи бир кунлик ёки олти ойлик сабоқ жараёни эмас-ку! Тарбия - кишиларни бир умр одамийлик кўчасидан етакловчи кучдир. Буни унутганлар гумроҳ бўлади.

Ҳоразм улкан олиму фузалоларни тарбиялаб, камол топтирган муқаддас замин. Бир пайтлари Шарқнинг энг гуллаб-яшнаган илм-маърифат ўчоқларидан бири бўлган Маъмур академияси ҳам шу азиз тупроқда фаолият кўрсатган. Ўлканнинг бугунги ёш авлодлари ҳам ана шундай буюк инсонларнинг ворислари, улар амалга оширган ишларнинг давомчилари бўлиши керак. Кимки тузилган ишнинг бузилишига уринар экан, албатта улуғ боболаримизнинг муқаддас руҳлари қарғишига қолади.

**Фарида ТОҲИРОВА,
Ҳазорасп тумани, ўқитувчи**

ВАТАНГА ХИЁНАТ ОГИР ГУНОҲ

Мен онаман. Фарзандларим тенги ёшлар қинғир ишларни қилаётганидан юрагим огрийди. Она сифатида мен уларга шундай дея ҳайқирмоқчиман:

Эй сиз, отдан тушса ҳам, эгардан тушмаётган, чет элларда нопок долларларга учиб, хоинлик йулини тутган кимсалар, алдовларга учаётган гофил ёшлар! Кўзингизни вақтида очинг. Ватанга хиёнат оғир гуноҳ эканлигини билинг. Хиёнат йулида топилган бойлик рўзмаҳшарда жисми-жонингни куйдиргучи дуза олови бўлиб ловуллашини ҳис этмогингиз зарур. Уша чиркин ният ҳомийлари кулингизга тутқаётган пуллар она Ватаннинг бир сиқим тупроғидан азиз эмаску, ахир? Мен аёл бошим билан эл бошига иш тушиб, тоғ келса кемираман, сув келса симираман, Ватанга куксимни қалқон қиламан, деб қанча-қанча оналар бедор пайида юришингиз турганида, йигит бошингиз билан халққа зарар етказиш пайида юришингиз уят эмасми? Бундай ишларни ори, эркаклик гурури бор йигитлар қилмайди!

Йигитга мардлик ярашади. Мардлик эса эл учун тиргак бўлишда, қувончига шерик, дардига малҳам бўлишда акс этади.

Инсон ўлгани билан унинг руҳи яшар экан. Ёмон одамларнинг руҳи улар оламдан ўтгач ҳам изтироб чекаверади, қийналиб қолаверади. Чунки уларни одамлар лаънатлаб тилга олади. Демак ёмон киши у дунёю, бу дунё олқиш олмайди, узгаларнинг хурмат эътиборларидан четда қолаверади. Сизлар ҳам тавбангизга таяниб, уз қилмишингизга иқроор бўлиб кечирим сўрамас экансиз, гумроҳларнинг гумроҳи, осийларнинг осийси бўлиб қолаверасиз. Биз иймон-этиқодли, мусулмон ўзбеклармиз. Ота-боболаримизнинг табаррук дини биз учун энг пок ахлоқ мезонидир. Руҳиятимизни чароғон қилгучи Куръони каримда ҳам энг кўп тилга олинувчи бу сўз "тавба" сўзи экан. Астойдил тавба қилган кишини худо ҳам, бандаси ҳам кечиради. Юртбошимиз ҳали вақт кеч эмаслигини, кимки уз қилмишини буйнига олиб бош эгиб келса, айби ёнгиллашишини ваъда бермоқда. Куплар кечирим сўраб борапти ҳам, аммо ғаламислик иллатларидан қутилмаётганларга ҳеч кимдан ҳеч қачон шафоат бўлмайди. Бундайлар аввало қонун, Ватан ва халқ олдида жавоб берадилар.

**Гулбаҳор РЎЗИМАТОВА,
журналист**

БАЙРАМЛАРИНГ БОР БЎЛСИН, ХАЛҚИМ

Она -- Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан буён фасли навбахор бошланди дегунча ўлкамизда "Ўзбекистон -- Ватаним маним" қўшиқ байрамларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Мана, бир неча кунки пойтахтимизда мазкур байрам шуқуҳи гўзалликка ошно қалбларга завқ-шавқ бағишламоқда.

8 апрель куни Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бўлиб ўтган байрам тантаналари ҳам томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди. Унда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими ва қўшимча таълим мажмуининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари аъзолари ўз иқтидорларини намойиш этди. Айниқса 222-мактаб хор жамоасининг Ватан, мустақиллик, мўътабар оналар ҳақидаги янги қўшиқлари тингловчилар қалбларини ҳаяжондан энтиктириб юборди. Биз байрам концерти ниҳоясига етгач, мазкур мактаб ўқувчиларини суҳбатга тордик:

Фотима Ҳимматқулаева -- 4-синф ўқувчиси: -- Қўшиқ бизнинг жони-дилимиз. Бу байрамни йил давомида соғиниб кутдик. Бунга давр устозимиз Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов биз билан астойдил машғул олди борди. Концертимиз томошабинларга ёқди, деб ўйлайман. Бекорга қарсақ устига қарсақ чалмайдилар-ку, ахир.

Карим Жўраев -- 1-синф ўқувчиси:

-- Мен рақсга тушаман. Муаллима опаларимиз ҳар хил рақсларни ўргатишган. Ҳозир саҳнада учиб-учиб ўйнадим, роса олқиш ёғилди. Тенгдошларим Нуриддин, Аброрлар ҳам ўйинни қотирворишди.

Лола Саидбобоева -- 4-синф ўқувчиси:

-- Қўшиқ байрамида кўпроқ Ватан ҳақидаги қўшиқларни куйладик. Онамлар яхши ашула айтгин, яхши қиз бўлиб тарбия топасан, дейдилар.

Дарҳақиқат, қўшиқ байрамида ёш юраклар овозини тинглаш, кези келганда уларнинг даврасида бўлиб суҳбатлашиш, самимий дил изҳорларини тинглашнинг ўзи бир олам завқ беради. Юраги юксак орзуларга лиммо-лим тўлиб-тошган келажагимиз посбонларининг ўзи аслида қўшиқдай ёқимли, руҳиятга яқиндир.

Шу куни Ватанимизнинг олис минтақаси саналмиш Учқудуқ шаҳридан келган болажонлар ва уларнинг устозлари билан ҳам гурунглашдик:

-- Биз Учқудуқ шаҳар санъат мактабида ўқиймиз, - дейди Радик Алонов. -- Пойтахтда бўладиган бундай катта байрамларда илк бор иштирок этаётганимдан бироз ҳаяжонланаман...

-- 10 апрель куни биз ўз дастуримизни намойиш этамиз, - деб суҳбатга қўшилди Учқудуқ шаҳар санъат мактаби бадиий ҳаваскорлик жамоасининг бадиий раҳбари Татьяна Колевадова. -- Дастуримиздан она-диёр, истиқлол, тинчлик ва дўстлик ҳақида қатор қўшиқлар ҳамда мумтоз куй ва ашулалар ўрин олган.

Пойтахтда бугун қўшиқ байрами давом этади.

**П. ЁРМАТОВ,
"Туркистон" мухбири**

Театр фестивали ниҳоясига етди

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви миллий театр санъати ривожига самарали таъсир кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисидаги Фармони уни янада такомиллаштиришда беқиёс дастуруламал бўлиб қолди.

Республикада ўтказилган «Наврўз-99» театр санъати фестивали бундан яна бир муҳим қадам бўлди. Анжуман қатнашчилари ва театр мухлислари ўн кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги театр жамоалари томонидан яратилган ўн олти спектаклни томоша қилди. Фестиваль жараёнида ижодкорларнинг янги-янги қирралари намойиш бўлди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида ўтказилди. Унда Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. Абдуқун-дузов сўзга чиқиб, мазкур анжуман мамлакатимизда миллий театр санъати тобо-

ра ривожланиб, ижодкорлар ижро маҳорати юксалиб бораётганининг яна бир далили бўлганлиги, айни вақтда санъаткорлар учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлади.

Фестиваль натижасига кўра Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг «Етти фарёд» спектакли биринчи ўринни эгаллади. Қарши шаҳар «Эски маҳит» театр-студиясининг «Найман Она нидоси» спектаклига иккинчи, Самарқанд вилояти Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма театрининг «Самарқанд-нома» асарига учинчи ўрин берилди. Шунингдек, ижоди эътироф этилган режиссёр, актёр, рассом, эпизодик роль ижроси ва энг ёш қатнашчи учун фестивалнинг махсус мукофотлари топширилди.

Театр санъати фестивали иштирокчилари халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш тўғрисидаги улкан ғамхўрлик учун Президентимиз номта миннатдорлик мактуби қабул қилдилар.

**Б.МАНСУРОВ,
ЎЗА мухбири**

«ТУРКИСТОН» ҚАЛБИРФОЧЛАРИ

КЎКЛАМ

Баҳор нафасидан сармаст гунчалар,
Байрам либосида бугун ёш-қари.
Бир ёнда ҳаличак учар қизчалар,
Бир ёнда йигитлар чопар кўпқари.


Ҳарир либосларда гўзал келинлар
Салом беришди аста эгилиб,
Қалбини ҳаприқтирар назмий орзулар,
Идрок ҳайратларан гулга тикилиб.

Ором бағишловчи шабодалар ҳам
Ёқимли бўйларин таратиб кезар,
Моҳир мусаввирдай фасли навбаҳор
Борлиқни турфа хил гул билан безар.

Қиру далаларда кўклам нафаси,
Одамлар қалбида уйғонар баҳор.
Оламини тутмоқда мусиқа саси,
Кўклам қўлларимга тутқазмоқда тор.

Муҳайё РАШИДОВА

Кузатиб келяпмиз
кунларимизни,
Гоҳо шодон қувнашиб,
яйраб,
Гоҳи нолон, норози
қараб,
Кузатиб қоляпмиз энди мангуга.



Чароғон кечалар юлдузга боқиб,
Орзулар, хаёллар дамида оқиб,
Умр китобини титкилаб, ўқиб
Кузатиб қоляпмиз энди мангуга.

Кетмоқда у дамлар ҳеч қайтмас бўлиб,
Хотира лаҳзалар юракка тўлиб,
Сеҳргар дамларнинг асири бўлиб,
Кузатиб қоляпмиз энди мангуга.

Юлдуз ХАЙИТБОЕВА

ЁР-ЁР ЭШИБ...

Ситам айлар нечун манга ул бераҳм озор этиб,
Соғинтирар висолига тунларимни бедор этиб.
Ақлу ҳушдан бегонаман ўшал шўҳи дилоро деб,
Парво қилмас мен ошиққа бир лаҳза эйтибор этиб.

Сухбатидан баҳраманлиг орзусида муштоқдирман,
Дил зорларим айтса эрди қалб сиримни ошкор этиб.
Ўрганур бағрим мани таскин тополмай кимсадан,
Этиб боргаймикан сабо ҳолимдан хабардор этиб.

Нолаю оҳим манинг ортар, Акмал ният қил,
Чорласин оғушига куйларидан ёр-ёр этиб...

Акмал ПЎЛАТОВ

БУ МЕНМАС

Бу менмас...
Кўзларим ёлғонлаб кўйдилар,
Ошкора алдади сўзларим.
Ҳанимдан яширдим, пинҳона,
Кўзлардан йироқда бўзладим.

Бу менмас...
Дунёлар олдилар кўнглимни,
Мен энди алдамчи хаёлман.
Дилимга эғтиқод жойлагин
Илоҳий ҳисларни бер бу дам.

Бу менмас...
Қаргағум ўзимни беадаб
Қаролар тўкилар изимга.
Бир ён муҳаббатун бирида
нафрат,
Ўзимдан қочаяпман ўзимга.

Бу менмас...
Дунёдан тоғмоқни истайман.
Меҳринга қонмоқни истайман.
Ишқингда ёнмоқни истайман.
Оллоҳим, иймон бер!
Нигора АЛИШЕВА,
Жиззах

МАҚШУБ

Умр ўтар, ўтармиз тоқай,
Бир бировга қилмайин шафқат,
Кувган сари қирқ газ қочар бахт,
Кунлар бешон, тунлар бенафқат.

Овоз бер, орласин орсиз ағёрлар,
Эгам шафқат берсин ҳиссиз, қалбсизга.
Мен сенга термулиб сингмоқ истайман,
Шудринг синганидек барги ялпизга.

Ҳашамдор салонли машинанг эмас,
Сени менга соғинч келсин етаклаб.
Синга имкониинга севаман дегил,
Керакмас гул чечак қуюқ етаклаб.

Суратинг керакмас, жосан кўзимга,
Қорним ҳар зарбаси кўмсатса сени.
Товушинг уйғотса, келсам ўзимга,
Хаёлинг етаклаб юрсайди мени.

Кетсанг йўлларингда кўзим кўзтумор.
Нигоҳинг тафтидан эрийди кўнглим.
Келсин ё борайлик, соғиндим дея,
Тортқилар қўлимдан Соғинчбек ўғлим.

Бориб боролмасам... бу не жазо бу,
Келмайсан келишим ўзингдан билиб.
Бир қишлоқ ҳижрони эзмоқда мени,
Соғинч устхоним борар келтириб.
Кел!!!

Насиба САЁТЛИ,
Бухоро



СОҒИНЧ

Сени кутишдан ҳеч чарчамайман, дўст
Бир кўришга ҳамон кўзларим гирён.
Менинг чидамимни таъриф қилмас сўз
Сабрим йўларида унади райҳон.

Биламан бир кун келарсан қайтиб,
О, қанча севаман мен ўша кунни!
Бироқ ҳозир йўқсан. Қўшиқлар айтиб,
Сенга бағишладим яна бугунни...

Наргиза ҚУЛМАНОВА,
Тошкент вилояти

АДАШДИМ

Гул ахтариб тиконларга йўлиқдим.
Дўст ахтариб ёмонларга йўлиқдим,
Борса келмас томонларга йўлиқдим,
Чаман излаб саҳроларда адашдим.

Чертиб-қалбим торидаги симларни,
Тўкиб кўйдим юракдаги сирларни,
Мен дардимга шерик қилдим кимларни,
Дардларимга даволарда адашдим.

Ўзгаларни баланд кўйдим, паст бўлдим,
Бийрон-бийрон сўзларига маст бўлдим,
Ўз жонимга ўзим қастма-қаст бўлдим,
Озор кўрдим оролларда адашдим.

Шухрат ҲАКИМОВ,
Асака

ОЙЛАҲТИН, АЁЛ

Қанча йил йигидан қорайди кўзлар,
Бўғзингда тош қотди қанчайин сўзлар.
Лойларга қорилди сен босган излар,
Ойдай замон келди, ойлангин, АЁЛ.

Гулларга зор юрдинг бир гулистонда,
Ёруғ кунлар истаб зим-зимистонда,
Қанча углон бердинг Афғонистонда,
Ойдай замон келди, ойлангин, АЁЛ.

Қора булут босган осмонинг қанча,
Соғинчларнинг қанча, ҳижронинг қанча,
Ҳали биз билмаган орзуинг қанча,
Ойдай замон келди, ойлангин, АЁЛ.

Ортада қолди барча азоб, ситамлар,
Унутилар энди дарду, аламлар,
Истиқлол дардингга кўйди малҳамлар,
Ойдай замон келди, ойлангин, АЁЛ.

Бу кун шодлик тулган дилинг муборак,
Хур Ватан, хур замин, элинг муборак,
ЮРТБОШИМ танлаган йўлинг муборак,
Ойдай замон келди, ойлангин, АЁЛ
Бехзод ЖУРАБОВ,
Фарғона

СУРАТЛИНГ КЎРГАНДА

Суратинг кўрганда, ўша кунлари,
Шаҳдо кўзларингга тўйиб боққанман.
Юрак савол берар, ҳижрон тунлари,
Айт, жоним, дунёда кимга ёққанман.
Севилган айб эмас, яширмам зинҳор,
Севганлар ҳам бўлди, менчи беғубор,
Севги нима билмай, яшардим шодон,
Сени кўриб дилда чарх урди тугён.
Айтсам тўхтамайди сўздан қаламлар,
Севганим билмайсан пинҳон аламлар.
Муҳаббат боғига кирдим паршон
Кўзларимга тор кўринди кенг осмон.
Ҳаёлимда сену, юрагимда сен,
Ой лабидан томган тилагимда сен.
Тунлар қалбим ёққан ҳижронимда сен,
Умид узра энган армонимда сен.

Мунира МҮЙДИНОВА,
ТошДУ талабаси

БАХТЛИ ОИЛА

Соат чиққилайди...
Утмоқдадир вақт
Кутганим энг тотли, энг эзгу бир бахт--
Она бўлмиш бахти билсайдинг агар
Унинг поёнида ҳақсиз ҳатто тахт.
"Ширинтой ё ширин қизгина",
Сен ҳали билмайсан онангни
У сенга меҳрибон созгина,
Вафодор ҳамроҳи отангни.
Юрагим ҳис этиб сендаги
Жажжигина юрак урушин,
Саволлар, саволлар... айтақол,
Кимга ухшар экан кулишинг?
Аразлашиб қолдик отанг-ла
(Сўзлашмаслик учун қилган ёлғон аҳд),
Рўзнома варақлар...
Утмоқдадир вақт,
Кутяпмиз энг тотли, энг эзгу
бир бахт"

Лайло НАЖМУЛЛО,
Сирдарё

ЧОРЛОВ

Излаганда ариқлар лаби
Ялпизнинг хуш бўсаларини.
Жийда гули иси тутганда
Яккатуннинг кўчаларини.

Ялангоёқ сувга тушволиб,
Суянганча бир харсанг тошга.
Соатлаб шеър ўқиганларим
Тақдир қўшилмаган йўлдошга.

Маст бўлгунча ишқнинг бўйига,
Киргим келмай ҳижрон қўйнига.
Йиғлаганим осилиб олиб
Мажнунтолнинг нозик бўйнига.

Чигирткалар хониш этган дам,
Тун қўйнида нигоҳлар тўйи.
Япроқларнинг сирли шивири
Уртаганда мени тун бўйи.

Юрагимга энг яқин сирдош --
Ўша сирли афсунгар булоқ.
Сув мавжлари узра ёйилиб
Ошкор бўлмас покиза гувоҳ.

Эсингдами, ўша гўзал туш,
Мен қайтаман бугун аслимга.
Бор дардию азоблари хуш,
Такрорланмас баҳор фаслимга.

Тинглай олсанг агар бўлиб маст
Наиманинг шеърларини айт.
Ташвиш ҳамда ғамларинг унут,
Ва севгининг оғушига қайт.

Наима РАҲМОНОВА

ВАТАНИМ ПОСБОНИГА

Шукр айла, минг бор, шукр, ўспирин ўғлон,
Кунлар ўтиб улғаясан, бўласан посбон.
Олтин тупроқ, гўзал боғу халқини сенга,
Эл қатори ишонади ҳур Ўзбекистон.

Агар қўрқсанг, кўз қоғонинг қушга ўхшайди,
Собит турсанг, юрак тугик муштга ўхшайди,
Она бирдир, Ватан танҳо, дилдаги севинч,
Кўз олдинда, мунис қаламқошга ўхшайди.

Душман келса, ким қай бирин ёлғизлатади,
Асоратга қўйган номард ғамга ботади.
Ер йиғласа, она бўзлаб, тошталса Ватан,
Ҳатто кўр ҳам ғанимларга таёқ отади.

Кўз қароғин Оллоҳ сақлар, асраб имонни,
Пешонага битган Ватан -қадим Туронни.
Эзгу тилак, кучли билак, муштдай юракка,
Тумор қилиб тугиб олинг Ўзбекистонни.

Саловат МАҲМУД

ХАЛҚОНА

Чашма бўйидамани ичолмаймано,
Гулсиёҳ қошидаман, узолмаймано.
Тақдирнинг тош девори йўлимда тўсиқ,
Тош дил бўлиб бу деворни бузолмаймано.
Дийдор деган тиканли йўл ортида маскан,
Мискинланиб висол тархин тузолмаймано.
Шоирлигим ёлғондиру ошиқлигим чин,
Ашбор битиб ўз ҳолимини чизолмаймано.
Ишқ йўлида булоқ излаб юрган тақирман,
Бир умрдан ортиғига чидолмаймано.
Васлингни ой туманли, тун ичра йўқотдим,
Холиқ васли борми менга билолмаймано.
Кетолмайман, ўтолмайман, етолмаймано...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

МЕНИ АВФ ЭТДИН...

Мени авфу этсин кўнгли бўш тупроқ,
Кўчиб ўтмакдаман овора тошга.
Йиқилсам ким суяр кўнгиладан бошқа?
Умрим-сокинликни қўмсаган сарсон.
Ишқ-бу етиб бўлмас маънолар аро,
Мангу саодатга берилган имкон!
Демак, ҳали бунда қуйламоқ мумкин,
Севса бўлаверар осмонни бошдан.
Тупроққа айланиб кетгунча токи,
Мени кечиргайдир бегона тош ҳам!


Аъзам ОБИД



**ХУМОР КЎЗЛАР
БЎЛМАСИН НАМ**

Мажнунтолнинг шоҳларидай эгик бошинг,
Юзларингни ювмоқдадир аччиқ ёшинг.
Оғуларга айландими, ширин ошинг,
Алдоқчи ёр, алдаб кетган сингилгинам.
Кутганмидинг хаёлларга бермасдан эрк,
Ёмон ўйлар, гумонларинг кўчаси берк,
Ҳар қандайин ҳолатда ҳам қилмадинг кек,
Алдоқчи ёр, алдаб кетган сингилгинам.
Тақдир сени шу йиғитга битганмиди?
Бир сўз билан ўзига ром этганмиди?
Кеча ою-юлдуз атаб ўзгинангни,
Бугун эса бахтинг қаро этганмиди?
Қўй, йиғлама, бошингни қилмаган ҳам,
Бардам бўлгин, хумор кўзлар бўлмасин нам,
Вақти келар, қадринг билар у номард ҳам,
Алдоқчи ёр, алдаб кетган сингилгинам.

САИДА,
Наманган вилояти



ҚАЙТИШ

Сен нечун юракка азоблар солдинг,
Ишқ йўлида ёлғиз сездим ўзимни.
Биламан мени ҳеч кутмайсан жоним,
Армонлар йиғлатар икки кўзимни.

Нечун бахтгинамнинг пешонаси шўр,
Сингиб кетмоқдаман оташ жонингга.
Ҳар кун олиб кетар соғинчлар мени,
Барибир қайтаман бир кун ёнингга

Саида ИСМОИЛОВА



**ДАРДАИ ҚАЛАМ
ЗАРБИ**

"Ҳар ким ўзининг шодликли-қайгули туйғуларини бошқаларга билдирмоқ, уларни ҳам шу туйғулар билан туйғунлантирмоқ истайдир."

Дарҳақиқат, асримиз бошида "шеър нима" деган саволга жавоб берган алломаларимиздан бири айтганидек шундай! Ушбу шеърга туйғулар ила баҳрамандликка интилишни таҳририятимизга келаётган мактублардан ҳам кузатиш мумкин. Бунда кимдир ўз дард-ташвишларини ёзса, яна кимдир ана шу дардларини шеър кўринишида бизга йўллайди.

Дарвоқе, "шеър кўринишида"... Дастлаб мана шу сўз хусусида тўхталсак.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, келаётган хатларнинг кўпчилигини ҳаваскор қаламкашларнинг машқлари ташкил этади. Муаллифлар ўз машқларини бизга йўллаш баробарида "лозим булса, газета саҳифаларида босишни ёки бирор маслаҳат бериш"ни сўрашади.

Тўғри, жунатилган машқлар орасида "шеър" деб номлашга арзийдиганлари ҳам йўқ эмас, албатта. Бундай шеърлар чоп этилаётти ҳам. Бироқ ҳали "шеър кўриниши" деб атаганимиз каби бирмунча содда, гур, гоятда жун машқлар ҳам анчагина.

"Мен илтижо қилурман сенга
Юрагимга гашлар солмагин.
Жароҳатлаб меҳрим нуруни
Шеърятим ташлаб кетмагин..."
(Д.Ахророванинг "Ташлаб кетмагин" шеърини). Ёки:

"Сени сирли боқишларинг
Ақлу хушимни олди.
Яна бир сени кўрмоққа
Юрагим интизор қолди..."
(М.Сўфиева, Фарғона вилояти.)
ва ҳоказо...

Бундай мисолларни истаганча давом эттириш мумкин. Кўриб турганингиздек, мазкур машқларда одатдаги "оддий" шеър талабига жавоб бера оладиган унсурлар ҳам етишмайди. Ҳаваскор сўзларни тўғридан-тўғри, яланғочлигича қўллайди,

яъни қалбини тўлқинлантирган дардни ёлғиз сўзнинг ўзи билангина етказмоқчи булади ва кўпол хатога йўл қўяди. Ваҳоланки, шеър ёзишда туйғу биринчи галда туради.

Шу каби қораламалар бухоролик Хусниддин Ато, самарқандлик Қ.Ширинова, Ф.Тоғаева, наманганлик С.Бурхонов, хоразмлик Э.Эшхонов, навоийлик И.Хасанов, фарғоналик И.Узоқов, Ф.Тоғаева, андижонлик М.Исмоилова, И.Эргашевалардан ҳам келган. Ҳаммасида шеърга ўхшашлик, шеър ёзишга интилиш бор. Бироқ ўрни келганда ростини ҳам айтиш жоизки, шеърга интилишсиз ёлғиз ҳаракат мавжуд даста-даста "шеър"лар ҳам бор кўлимизда. Асакалик И.Наби, Қамаша агро-бизнес коллежининг бир гуруҳ "ижодкор"лари, олмалиқлик Қ.Норинбоев, қашқадарёлик У. Саиднинг машқлари шулар жумласидандир.

Машқлар орасида биз айтаётган туйғуни акс эттира олган баъзи шеърлар ҳам учрайди-ю, аммо муаллифнинг тажрибасизлиги ва шеър қоидаларини яхши билмаслиги оқибатида ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолади. Қашқадарёлик Б.Тожиёвнинг "Қиш" шеъри ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бухоролик М.Шакарова "Ватан" номли шеърда шундай дейди:

"Мени яралайди сенга теккан ўқ."

Мана сизга дард. Афсуски ушбу изтироб шеърнинг бошқа сатрларида жудаям заиф. Атоқли ёзувчи Фитрат ёзадики: "Бизда эски мадрасадан қолган янглиш бир фикр бор. Вазн, қофияси булган ҳар бир сўз тудасини "шеър" деймиз. Шеърни шеър бўлишига вазн ва қофиянинг ҳеч даҳли йўқдир. Вазну қофияси бўлиб, шеър бўлмаган парчалар булгани каби вазну қофиясиз (сочим) шеър парчалари-да кўпдур."

Хуш, шеърнинг "Шеър" бўлиши учун нима қилиш керак?

"Юсак орзулари бордир
шоирнинг

Шоирларда бўлар

Фақат эзгу ният.
Қалам қалам эмас,
Бонгга зарб ила урилувчи чўқмор,
Ундан таралувчи садо ва акс-садо сен —
Шеърят!

Зарб!
Оқ қоғоз узра урилар қалам!
Зарб!"

(Рауф Парфи. "Шеърят")

Нихоят, англаганингиздай, сизга "оппоқ қоғоз узра", "бонгга зарб ила урилувчи чўқмор"дай қаламнинг бир гўзал "зарби"гина кифоя қилади. Фақат гап зарбнинг мудроқ кўнгиллари уйғотадиган, тинч ҳаяжонни титратадиган ва осуда ҳисни тўлқинлантирадиган зарб була олишидадир.

Таҳрият ёш ижодкорлар бўлими

— Матназар ака, кейинги пайтларда буюк аждодларимиздан бири бўлмиш Пахлавон Маҳмуд ижоди ва ҳаёти кенг равишда қайта ўрганилиб, халқимизга қайта танитила бошланди. Сиз бу борадаги ишлардан қай даражада қониқиш ҳосил қилдингиз?

— Ишлардан қониқиш маъносида гапиришим ноқулай.

Биз ҳозир Пахлавон Маҳмуднинг фақат рубоийлари билангина танишдик ва уларни баҳоли қудрат таржима ва тадқиқ қилишга, ўрганишга ҳаракат қилдик.

Пахлавон Маҳмуд бугунимизга, истиқболимизга хизмат қила оладиган мерос яратиб кетган. Шунинг учун кўпроқ ул зотнинг ижодида шахс истиқлоли, жамиятдаги ўрни ва қудрати ҳақидаги ғоялари-

ган фаолиятдир.

— Мен мана шу фикрингизга узвий боғланган ҳолда Пахлавон Маҳмуднинг кураш санъати ҳақида тўхталишингизни истар эдим.

— Битикларда қайд этилишича. Пахлавон Маҳмуднинг Пурёрвали лақаби ҳам бўлган. Бу сўз пахлавонларнинг устози деган маънони англатади. Ривоятлардан маълумки, улуг пир ва шоир мақомини тутган ул азиз инсон мамлакатлар буйлаб кезиб кураш мусобақаларида иштирок этган, шухрат қозониб донг таратган.

Пахлавон Маҳмуднинг пахлавонлигини аён қиладиган яна бир манба бор. Бу Хусаин Воиз Кошифийнинг "Футувват номаи Султоний" асаридир. Китобни мутолаа қилганимизда унда кураш тушувчиларга алоҳида боб бағишланганлигини ва жувонмардийларнинг нима сабабдан кураш билан машғул бўлганлиги баён қилинади. Муаллиф куйидаги мазмунда ёзади: "Кураш нима деб сўрасалар айтгин, бу инсондаги ички иллатлар билан фазилатларнинг курашларда акс этишидир. Сен ўз харифинга эмас, балки унинг тимсолидаги иллатларингга қарши курашасан. Сен голиб бўлсанг, иллатларинг устидан

голибсан. Мағлуб бўлсанг иллатларинг сени енганидир." "Футувват номаи Султоний" да айтилади: "Сендан сўрайдилар: курашда куч устунми ёки ақл? Айтгилки, ақл устун. Чунки жисмоний куч ҳайвонда ҳам бор. Инсон эса бошқа мавжудодлардан ўз ақли билан афзал саналади." Китобда таъкидланадики, кучи бўлиб ақли бўлмаган курашчи лашкарбошисиз кўшига ўхшайди. Ақли зўр бўлиб жисмоний кучи бўлмаган одам эса кўшинсиз лашкарбошининг айнан ўзи. Шунинг учун ҳам ақл ва жисмоний қудратнинг ҳар иккаласи ҳам булгани маъқул. Пахлавон Маҳмуд назарида кураш фақат жисмоний қудратни намойиш қиладиган олишув эмас, балки маънавий тарбияни камол топтиришга кўмаклашувчи омилдир.

— Бугунги ёшларимизга Пахлавон Маҳмуднинг қайси жиҳатлари андоза ёки сабоқ бўла олади?

— Ҳамма жиҳатлари. Биз улуг пирини комил инсон сифатида ардоқлаймиз. Пахлавон Маҳмуд шахс руҳиятини шакллантириш учун шеър ёзган экан, ижтимоий адолат учун курашган экан, шуларнинг ўзи биз учун ибратдир. Хорижда асирликда хору зор бўлиб юрган юртдошларимизни тутқунликдан халос қилиб онадиёримизга олиб келганлигининг ўзидан ватанпарварлик андозасини олсак арзийди. Қолаверса, айни даврда соғлом авлод учун шиори остида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда пиримизнинг кўпгина эзгуликлари, мардликлари бизга ибрат мактабини ўтади. Энг муҳими, Пахлавон Маҳмуддан инсонни қандай севишни, инсоний муҳаббатни ўрганиш мумкин:

Мен кўнглинг учун ўзгага

бермам кўнглим,

Сен ўзгага берма кўнглиг ҳеч

кўнглим учун.

— Қандай ёшларни Пахлавон Маҳмуднинг издошлари деб айтолмасиз. Бугунги замон болалари шундай улуг бобокалонимизнинг издоши бўлишига лойикми?

— Шоир битган рубоийларда акс этган фазилатларнинг биттасига эришолган одам катта бир музаффарликка ноил бўлган ҳисобланади. У маълум маънода Пахлавон Маҳмуднинг издошиман дейишга ҳақли.

Сухбатдош: Эрпўлат БАХТ, Хоразм

ҚИСМАТ

МАШЪАМАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва таржимон Матназар АБДУЛҲАКИМ билан мулоқот

га кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Мадомики, биз мустақиллик йўлини танлаган эканмиз, жаҳон халқлари орасида ўзимизнинг ўрнимизни эгаллашимиз лозим бўладиган бўлса, аввало Пахлавон Маҳмуд ва унга маслакдош маънавий раҳнаомларимизни ўрганишимиз шарт.

— Шоирнинг ўз даврида қайси истиқлолга муҳтожлиги бор эди?

— Пахлавон Маҳмуд ижодидаги бу хусусиятни ўрганиш учун у эътиқод боғлаган исломий хусусиятлардан, хусусан, жувонмардийлик тарикатининг дастуруламалларидан келиб чиқиб фикр юритишимиз жоиз. Ҳазратда шундай бир рубоий мавжуд:

Бир бурда кифоя, мардга кўп нон
не керак,

Дарёдан оқар сув, ана, ризвон не керак.
Ўз кўли бор, айт не керак хизматкор,
Ўз дили бор, айт, султон не керак.

Пахлавон Маҳмуднинг қарашича инсоннинг султони - Оллоҳ. У инсон ҳамиша ўз эркида бўлиши керак, деган фикрни илгари суради.

Зарб берсак агар чарх фили
яксон бўлгай,

Уфқ доираси нагори шон бўлгай,
Жой олса чумоли гар бизим сафлардан,
Давлатимиз туфайли арслон бўлгай.

Бу ерда шахс қудратини тарбиялаш борасида фикр юритилади.

Ёки:
Ҳақни ҳақ эт, ноҳақни малъун қил сен,
Яхшини дил шод, ёмонни дилхун қил сен.
Доно оёқ остинда-ю, нодон бошда,
Ёраб, бу фалақни остин-устин қил сен.

Мана шу мисраларга диққат қилсак, Пахлавон Маҳмуддаги пахлавонлик унинг ғояларига таъсир қилганини кўришимиз мумкин. Чунки тафаккур кураши, туйғулар ғалаёни шоир фаолияти йўналишини белгилашга кўмаклашувчи куч бўлган.

Пахлавон Маҳмуд яшаган даврдаги маънавий изланишлар қисман бизнинг давримиз учун ҳам хосдир. Шунинг учун ул зотни бизга ҳозир ҳам замондош деб билиш керак ва унинг ижодини ўрганиш Мирзо Бедил айтганидек, орқага ўгрилиш эмас, балки олдинга илгарилаш учун қилинади-

ИЛОНЛАР ДЎСТИ

Назокат опа иккинчи ўгли Баҳодирга ҳомиладор бўлганида тушига нуқул илонлар кирди. Бу совуқ жонзот уни туни билан беором қилиб чиқарди. Гоҳида илонлар тўдаси унга ҳужум қилар, гоҳида орқасидан қуварди. Баҳодир туғилди-ю, бу кўрқинчлар, ваҳималар барҳам топди. Энди илонлар онани тарк этди.

Фақат...

— Баҳодир беш ёшларга тўлганда кўчадан илон тугиб келиш одатини чиқарди. Биринчи кўрқиб кетдим, -деди онаси. -- Отаси, акаси ҳаммамиз уни таъқиқ остига олдик. Кейин биздан яшириб, кўйлаги ичига илон солиб уйга ки-

-- Лекин яқинда икки метрча келадиган кобра тугиб келгандим. Чап кўлимдан икки марта чақди. Бошқа жойимга таъсир қилмади-ю, лекин кўлим шишиб кетди. (У тиртиқ бўлиб қолган билаги ва бармоқларини кўрсатди). Шифохонада даволандим.



радиган бўлди. Кеча-ю кундуз илонлар билан ўйнайди. Шу илонларни мен тушларимда кўргандим.

Бугун Қарши туманида яшовчи Баҳодир Тошев 20 ёшга тўлдики, бу одатни тарк этмади. Ҳали ҳам уйи атрофидаги далалардан илон тугиб келиб, улар билан сўзлашади, ўзини уларга чақтиради. Ҳолсизланган илонларни ўз маконига олиб бориб қўйиб, яна янгисини инсон кўлига ўргатади.

— Баҳодир, дунёда совуқ саналган илонларни яхши кўришингизнинг сабаби нимада?

— Кўпчилик илонлардан кўрқади. Лекин улар биз ўйлаганчалик кўрқинчли эмас. Агар меҳр кўрсатсангиз улар ҳам меҳрибон.

— Барибир бири бўлмаса бири сизга зиён келтириши мумкин-ку?

— Мени илон кўп чаққан. Лекин таъсир қилмайди. Ҳозир эрмак учун чақтириб ўтираман. Врачлар текшириб кўриб ҳайрон қолишади.

— Илон чақса ҳам сизга таъсир қилмайдими?

— Эшитишимизча, сиз илонларни қўлга ўргатмас экансиз?

— Уларни қирдан тугиб келиб, 3-4 кун уйда ушламан, фойдалиси бўлса касалларга бераман. Лекин илонсиз бир соат ҳам туролмайман.

— Бир неча марта қайта-қайта ушлаб келган илонларингиз бўлганми?

— Аввал ушлаган илонларимни бир қарашда танийман. Одам кўлига ўрганмаганлари жуда тез қочади. Бирор тешикка кириб олишса бўлди. Аммо унинг чиқишини кутиб, сабр қилиб тураман.

Ўзимнинг катта илонларим бўлишини жуда хоҳлайман. Кейин одамларга ҳар хил томошалар кўрсатардим. Ўзим махсус цирк очардим.

Баҳодир билан узоқ гаплашдим. Унинг биздан ҳеч қандай ортиқ жойи йўқда-ю, лекин бор. У табиатнинг битта жонзоти бўлган илонларни севади. Улар билан ўртоқ тутунди.

ЛАЙЛО,

"Туркистон" муҳбири

Н Ъ Ю - Й О Р К. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Шарқий Тимор муаммоси юзасидан баёнот берди. Унда Шарқий Тиморда зўравонликнинг кучайиб бораётганидан қаттиқ ташвиш билдирилган. Шунингдек, баёнотда Бош котиб Шарқий Тимор муаммоларини бартараф этиш учун дипломатик саъй-ҳаракатларни бир зум ҳам тўхтатмаслигини маълум қилган.

Аввал Португалиянинг мустамлакаси бўлган Шарқий Тимор 1976 йили Индонезия томонидан эгаллаб олинган эди. Бироқ БМТ Шарқий Тиморни ҳамон Португалиянинг бир қисми, деб ҳисоблаб келмоқда. Ҳозир Шарқий Тимор аҳолисининг мустақиллик тарафдорлари билан Индонезияга қўшилиш тарафдорлари ўртасида қаттиқ тўқнашувлар авж олган.

В И Н Д Х У К. Сенегал жанубидаги Казаманс вилоятининг мустақиллиги учун кураш олиб бораётган айирмачилар курашни тўхтатганини эълон қилди ва ҳукуматга таслим бўлди. Бу ҳақдаги хабарларда айтилишича, Казаманс демократик кучлари ҳаракати /КДКХ/ исёнчилари ўз жангчиларини қуролсизлантириш ва қуролларни ҳукуматга топшириш тadbирини ниҳоясига етказган. Бироқ, Сенегалда чиқадиган «Сюд катидьен» газетасининг ёзишича, исёнчиларнинг бир қисми ҳамон ҳукуматга таслим бўлишдан бош тортмоқда.

К О Л О М Б О. Шри-Ланкада бўлиб ўтган маҳаллий сайловларда мамлакатни бошқараётган президент Чандрика Кумаратунга раҳбарлигидаги Халқ альянси бешта вилоятда ғалаба қозонди.

Маҳаллий кузатувчиларнинг таъкидлашича, ушбу сайлов натижаси Халқ альянсининг омма орасидаги обрўси юқори эканидан дарак беради. Бу эса май ойида бўладиган сайловнинг иккинчи bosқичида ҳам Халқ альянсининг ғалаба қозонишига ишонч уйғотади.

Халқ альянси навбатдаги bosқичда ҳам ғалаба қилса, президент Чандрика Кумаратунга вазиятдан фойдаланиб мамлакатда муддатидан олдин парламент ва президент сайлови ўтказилишини эълон қилиши мумкин.

Д Е Х Л И. Ҳиндистон ўрта узоқликка учадиган «Агни-2» қитъаларо ракета синовини ниҳоясига етказиб, катта узоқликка учадиган «Агни-3» ракетасини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, ушбу ракетага жанговар ядровий каллакларни ҳам жойлаштириш

мумкин. АҚШ маъмурияти Ҳиндистондан замонавий ракеталарни ишлаб чиқаришни тўхтатишни талаб қилиб келаётган эди. Шунга қарамай, Ҳиндистон ҳукумати ядро ташийдиган ракеталарни ишлаб чиқариш зарур, деб ҳисобламоқда, — дейлади Ҳиндистон муҳофаа вазирлигидан тарқатилган хабарда.

С Я Н Г А Н. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, жорий йил март ойи охирида Сянганнинг расмий валюта активлари 89,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, у февраль ойи охиридаги кўрсаткичдан 300 миллион долларга қисқарган.

Айни пайтда Сянган валюта



заҳираси бўйича жаҳонда Япония, Хитой ва Тайвандан кейин туртинчи ўринда туради.

Х Х Х

Ж Е Н Е В А. Халқаро аэропортлар Кенгаши ўтган йилда йўловчилар қатнови тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилди. Унга кўра, ўтган йили йўловчилар сони 2,8 миллиард кишини ташкил этган бўлиб, 1997 йилги кўрсаткичга нисбатан 2,9 фоиз ошган.

Ҳисоботда таъкидланишича, Жануби-шарқий Осиёда иқтисодий пасайиш кузатилгани сабабли Осиё-Тинч океани минтақаси аэропортларида йўловчи сони 1998 йили ўтган йилга нисбатан 5,6 фоизга камайган.

Бироқ жаҳоннинг бошқа минтақаларида ҳаво қатновида йўловчилар сони анча ошгани кузатилади. Масалан, Шимолий Америкада 1,3 миллиард, Европада 868,7 миллион, Лотин Америка ва Кариб минтақасида 120,1 миллион йўловчи ўз манзилларига етиб олиш учун ҳаво транспорти хизматидан фойдаланган.

Д А М А Ш Қ. Сурия президенти Ҳофиз Асад Европа Иттифоқининг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили Анхел Моратинос билан учрашди. Учрашувда, асосан, минтақадаги вазият ҳамда ЕИ билан Сурия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашуда Ҳ.Асад Европа Иттифоқининг Яқин Шарқ минтақасида барқарор тинчликни қарор топтиришдаги муҳим саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. А.Моратинос ҳам ЕИ бу борадаги тadbирларни янада фаоллаштираётганини маълум қилди. Маълумотларга қараганда, ЕИ вакили Сурия ташрифидан сўнг Ливияга боради.

М Е Х И К О. Панама ҳукумати АҚШ маъмуриятидан жазо муддатини ўтаб бўлганидан сўнг мамлакатнинг собиқ раҳбари Мануэл Антонио Норегини ватанига қайтаришни сўради. У 1982 йилда гиёҳвандлик моддалари савдосида айбланиб, АҚШ қонунлари бўйича 40 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Лекин бир ой илгари унинг ҳимоячиси илтимосига биноан жазо муддати 10 йилга қисқартирилди. М.Нореги айни пайтда АҚШнинг Флорида штати қамоқхонасида сақланмоқда.

Панама суди ҳам М.Норегини 1989 йилда унинг сиёсатига қарши чиққан 11 офицерни ўлдирилганликда айблаб, яна 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиш ниятидадир, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

П Е К И Н. 15-18 апрель кунлари Хитойнинг Ляньюнган шаҳрида варраксеварларнинг халқаро фестивали ўтказилади. Бўлажак тadbирда хитойликлардан ташқари, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Россия, Канада, Сингапур, қисқаси, дунёнинг 42 мамлакатидан вакиллар қатнашади.

Фестиваль ташкилотчиси - Хитой варраксеварлар жамияти маълумотига қараганда, тadbирда жами беш юзга яқин одам иштирок этади.

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт НАТОга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг Брюсселда ўтадиган учрашувида иштирок этади. АҚШ Давлат департаменти расмий вакили Ж.Рубин шуни маълум қилди.

Унинг айтишича, учрашувда Югославия моjarосини бартараф этиш, косоволик қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда Шимолий Атлантика альянсининг Вашингтонда бўладиган саммитига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

М О С К В А. Россия давлат статистика бошқармаси маълумотига қараганда, мамлакатда миллий валютанинг қадрсизлигини даражаси 30 мартдан 5 апрелга қадар 1,1 фоизни ташкил қилди. Нарх-навонинг бир кеча-кундуздаги ўсиш даражаси эса ўртача 0,156 фоизни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг март ойида инфляция даражаси 2,8 фоиз, нарх-наво ўсиш даражаси 0,089 фоизни кўрсатган эди.

/ЎзА/

(Охири. Аввали ўтган сонларда)

- Мен бундан илгари ҳам бахтиқаролик нима, деган саволга кўп марталаб дуч келганман, - яна Тахминанинг ўзи сўз қотди. - Лекин мен бу нарсани ҳаётда бахти чопмаганлик, ночорлик, бошқаларга қарам бўлиб умр кечиришда, деб ҳисоблардим. Энди билсам, чинакам бахтиқаролик бошқачароқ экан...

- Лекин сен ўзингни айниқса шу кунларда бундай хулосалардан узоқроқ тутсанг ёмон бўлмасди, - Тахминанинг сўзини бўлишга мажбур бўлдим.

- Нега энди? Нима учун, Собир ака?

- Сен... яшашинг керак. Чунки бу ишларнинг ҳаммаси сенинг айбинг билангина юз бергани йўқ.

- Кимларнинг айби билан юз берган бўлмасин, мен чиндан ҳам бахтиқаро бўлиб тутилган эканман. Ҳа, чинакам бахтиқаролик буёқда экан. Буни қарангки, мендан ҳатто ўлим ҳам юз ўгирди. Кимдир мени олов ичидан юлқиб олиб, ташқарига улоқтириб ташлади. Одамлар мендан юз ўгирди. - Қаерга бориб яшамайин, ортимдан тавқи-лаънат тошлари ёғилиб туради. Менга наслу насаб насиб этмади - уруғинг ким деб сўрашса, одамлар қатори дадил жавоб беришга ожизу соқовман. Жамми қилмишларим қонунлар эътиборидан четда қолиб кетди. Мана, бугун ҳам юз берган воқеалар бўйича кўрсатмаларимни сўзсиз тан олишга шошмаяптилар. Хўш, мен энди кимман, нимаман, Собир ака?

- Сиз эса менга... яшашинг керак, дейсиз. Мен ахир одам бўлганимда, ажал мендан қочмаган бўларди. Бошқалар қатори, мен ҳам оддий бир инсон, деган номга эга бўлганимда, бугун менга жазо беришаётганидан

ҳатто қувонган бўлардим. Ҳар қандай жазони гурур билан кутиб олардим. Энди билсам, одамлар қатори яшаш, ҳатто ўлиш ҳам, жиноятга йўл қўйсанг-у, бошқалар қатори жазога тортилсанг, шунинг ўзи ҳам катта неъмат экан. Ҳа, мен энди бугун билдим, бугун тушундим: мен бу ёруғ дунёга инсон бўлиб эмас, балки разолат қашқирлари учун шунчаки бир овунчоқ, эрмак, шунчаки бир завқми ё ҳузур бағишловчи қўғирчоқ қилиб яратилган эканман...

- Бас қил, менинг дарду аламларига, изтироб тўлғоқларига бошқа тоқат қилолмадим. - Ўзига ўлим ҳукмини чиқарган кимса ўлиб кетиши ҳеч гапмас, Тахмина. Лекин сен ҳозир тушунмаётган, ҳис қилолмаётган муқаддас бир туйғу ҳаётингга кириб келганидан бехабарсан. Сенда... ҳамма учун ҳам насиб этавермайдиган орийат, виждон туйғуси уйғонбдими, шунинг ўзи инсон учун катта мартаба.

- Яшаб қолиш... - сўзимни бўлди у. - Ниманинг илинжида яшаб қолиш керак, Собир ака?

- Сени яшаб қолишга, олоҳ берган умрингни энди бошқалар қатори ёруғ юз билан яшаб ўтишга чорлаётган яна бир нарса бор, Тахмина...

СОЛИҚ ҚАҲҚОР

ДАЙДИ ҚИЗНИНГ ҲАСРАТ КЕЧАСИ

Иккинчи КИТОВДАН



Тахмина бошини даст кўтариб, юзимга ҳайрат билан боқди:

- У нима, Собир ака!?

- У... муҳаббат. Сени жондан ортиқ севадиган одам бор, одамлар бор...

Тахмина беихтиёр тин олди. У энди бош эгиб, иккала қўли билан юзини чангаллаганча ўтирарди.

- Муҳаббат... Мен бунга муносиб ҳам эмасман, ҳақли ҳам эмасман.

Мени тинч қўйишин...

Ундай дема, Тахмина. Умид ва ишонч билан яшаган инсонга яхши кунлар албатта насиб этади.

Учрашув вақтимиз ҳам тугаб борар эди. Коридорда

осма соатнинг бемажол тошидай у ёқдан-бу ёққа бир маромда бориб келаётган шоп мўйловли, семизлигидан эгнидаги пўрими таранг тортилиб турган кекса старшина очик турган эшикдан биз томонга икки марта маъноли йўталиб ўтди. Биз ўрни-миздан вазмин кўзгалдик.

- Собир ака, эсингизда бўлса... ўтган сафар учрашганимизда, менинг бир таклифимни рад этувдингиз. Энди, йўқ деманг, - Тахмина менга яқинлашиб иккала қўлини кўксимга қуйганича, кўзларимга мўлтираб боқди. - Оқсаройда Назоқат деган бир дугонам бор. Ушкеттаги фабрикада тикувчи бўлиб ишлайди. Дадаси Нодир ака, мўйнадуз. Ушаларни-

кида менинг машинам турипти, «Эсперо». Мен шу бугуноқ бир одам орқали уларга хабар етказаман. Машинани сизга беришади. Миниб кетинг...

-- Яна нима гапинг бор?... - вазминлик билан сўрадим ундан.

-- Акмалнинг Тошкентда эканлигидан хабарингиз борми?

-- Хабарим бор.

-- У Алматига кетган, бугун-эрта келиб қолади. Уни топиб айтинг... Зилола билан... - лабларини тишлаб олар даражада қимтиб гапираётган Тахмина бошқа чиқолмади, кўксимга бошини қўйганча яна йиғлаб юборди.

- Мени уйимга, мулкимга эгалик қилишсин...

Тахминани шу аҳволда қолдириб хайрлашиш ҳам, унинг ҳозирги илтижолари ҳам мен учун гоят оғир эди.

Энди мен ҳам ўзимни тутолмадим. Кўзларим жиққа ёшга тўлди:

- Тахмина, жигарим, ўзингни туг. Бу гапларни қўй. Машинанг ҳам, уйинг ҳам, тож-давлатинг ҳам ўзингга насиб этсин. Мана кўрасан, сени тез орада қўйиб юборишади. - Томоғимга тиқилган аччиқ бир нарсадан нафасим бўғилиб, юзимни Тахминадан ўйрган бўлдим. Кўзларимдан қуйилиб келаётган ёшни қандай қилиб тўхтатишни билмасдим.

У иккала қўли билан бетларимни мулоийимгина тутиб, нигоҳимни яна ўзига қаратди. Ўзининг ҳам кўз ёшлари дув-дув бўлиб тургани ҳолда, Тахмина ўзим тутқазган дастурмол билан энди менинг юз-кўзларимни арта бошлади:

- Собир ака, кўз ёшларингизни яширинг. Эркаклар йиғламайди. Йиғини бизга чиқарган. Бахтиқаро аёллар учун...

Иккинчи китоб тугади

1998 йил Фарғона

БИҒЛАР ПАҚСИ

Америкалик Мэри Кордозо исмли аёл юзлаб битларни артистликка ўргатиш учун уч йил вақт сарфлади. Бу осон эмас албатта. Айрим кунларда 12 соатлаб битларга режиссёрлик қилишга тўғри келди.

Мэри "шогирд"ларини касалланган итлар ва кенгурулар жундан саралаб олган.

Битлар кўрсатаётган томошалар жуда қизиқ. Улар орқа оёқларида чўккалаб юради, ўзидан анча оғир бўлган ўйинчоқ поездни тортишади, рақсга тушади...

ГОРДА ЯШАЙ МАЪДИ

Палестинлик Амин Абу Санейний исмли йигит йигирма икки ёшда. Аммо одамларга ўхшаб гапира олмайди. Сабаби, у умрининг кўп қисмини эшак, ситир, товуқ каби уй ҳайвонлари орасида ўтказган.

Отаси қазо қилгач ўғай онаси ақли заифроқ туғилган болани уй ҳайвонлари сақланадиган горда яшашга мажбур этган. Шу сабабли у на одамларча гапиришу муомалани ва на ҳайвонлар тилини биларкан.

ҲАЗИЛЛАШИБ ҚАМАЛДИ

Польшанинг Шецина шаҳридаги клиник касалхонасига кимдир кўнгирак қилиб, ярим тунда бинонинг кули кўкка совурилишини маълум қилди. Зудлик билан 340 бемор бошқа жойга кўчирилди. Иншоот обдон текширилди, аммо бомба топилмади. Бироқ ёлгон шумхабар тарқатган 22 ёшли Томаш М. ушланди. У ўз айбига иқроор бўлди. Суд ёш "ҳазилкаш"ни бошқаларга ибрат бўлсин деб етти йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

ҚАДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ (12 апрелдан - 18 апрелгача)

ҲАМАЛ. Душанбада бойлик эгаси бўласиз. Сешанба хайрли ўтади. Чоршанбада соғлиқни асранг. Пайшанба кунини эса асабини. Жумада сизни сўроқлашади. Шанба алданиш кунини. Якшанбада яқинингизни кутинг.

САВР. Ҳафта боши ажойиб учрашувлар билан бошланади. Сешанбада бойийсиз. Чоршанба кунини алданиб қолманг. Пайшанбада асабийлашманг. Шанба кунини сирли учрашув. Якшанба -- ижод учун қулай.

ЖАВЗО. Ҳамкорлар билан битим тузишни душанба кунини ҳал қилинг. Сешанбада соғлигингиз, чоршанбада асабингиз чатоқ. Пайшанба кунини сизни алданга уринишади. Ҳафта охирида яна эски дардлар сизни безовта қилади.

САРАТОН. Душанба ва сешанба қадрдонлар даврасида ўтади. Чоршанба омадли кун. Пайшанбада бойлик

ЯШИЛА МАЙДОН ЯШНАДИ

Кунини кеча мамлакатимизнинг олий лигасида тўп сураётган жамоалар VIII миллий чемпионатнинг IV тур учрашувини ўтказдилар. "Хоразм" ўз майдонида Наманганнинг "Навбахор" жамоасини қабул қилди. Утган сафар Қўқонда маҳаллий "Темирйўлчи"га имкониятни бой берган меҳмонлар бу шунчаки тасодиф эканини исботлашлари зарур эди. Шу туфайли икки жамоанинг учрашуви мухлислар ва мутахассисларнинг алоҳида эътиборида бўлди. Кескин ва мурасасиз кечган ўйинда тажриба барибир устун келди -- "Навбахор"чилар кичик ҳисоб билан бўлса-да, ғалаба қозондилар -- 0:1. Мазкур жамоаларнинг ўринбоарлари ўртасидаги баҳс ҳам наманганликлар фойдасига ҳал бўлди -- 1:3.

Утган мавсумда биринчи лигада "сайр этиб" қайтган Самарқанд вилоятининг "Самарқанд" (ав- "Афросиёб") жамо-



ва л г и а с и ш а ш т и а н ч а б а л а н д л и г и б и л а н и ш қ и б о з л а р о л қ и б о з л а р б ў л м о қ д а .

Мазкур турда Бекобода "Металлург" жамоасига қарши тўп сурган самарқандликлар яна уч очкога эга бўлдилар -- 0:1.

Учинчи турда Самарқандда 3 очкодан маҳрум бўлиб қайтган чемпион жамоа ўз майдонида "Янгиер"ни қабул қилди. Учрашув "Пахтакор"чилар ҳисобига ҳал бўлди -- 4:1.


Бундан ҳам йирикроқ ҳисоб Фарғонада қайд этилди. Марказий "Наврўз" ўйингоҳида вилоятнинг икки жамоаси учрашди. Ўйин давомида дарвозаларга жами олти бор тўп киритилган бўлса, шундан 5 таси меҳмонларга тегишли: "Нефтчи" -- "Темирйўлчи" -- 5:1. Ўринбоарлар -- 1:1. Тўрт турда 10 очкога эга бўлган фарғоналиклар, "Дўстлик" ва "Самарқанд" жамоаларидан тўплар нисбатига кўра олдинда бўлиб, пешқадам бўлиб туришмоқда.

IV турда энг кўп тўп Жиззахда бўлиб ўтган "Сўғдиёна" -- "Трактор" учрашувида киритилди. Меҳмонларнинг тўртта тўпига пойтахтликлар ҳам шунча тўп билан жавоб қайтардилар -- 4:4.

IV ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Нефтчи"	4	3	1	0	9-3	10
2. "Дўстлик"	4	3	1	0	9-4	10
3. "Самарқанд"	4	3	1	0	6-3	10
4. "Хоразм"	4	3	0	1	6-2	9
5. "Насаф"	4	3	0	1	7-4	9
6. "Пахтакор"	4	2	1	1	10-5	7
7. "Сўғдиёна"	4	2	1	1	10-7	7
8. "Навбахор"	4	2	0	2	7-5	6
9. "Бухоро"	4	1	1	2	7-9	4
10. "Сурхон"	4	1	1	2	5-7	4
11. "Трактор"	4	1	1	2	8-11	4
12. "Темирйўлчи"	4	1	1	1	5-11	4
13. "Андижон"	4	1	0	3	4-7	3
14. "Металлург"	4	0	1	3	3-7	1
15. "Зарафшон"	4	0	1	3	4-8	1
16. "Янгиер"	4	0	1	3	2-9	1

Н. РАИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

«КАМОЛОТ – МЎТТИ» СТУДИЯСИ ҚОШИДАГИ "НИГОҲ" ИЖОДИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

1 йиллик ва 6 ойлик тайёрлов курсларига танлов асосида қабул эълон қилади

* шоу — дастурлар, концерт, фестиваль, ТВ кўрсатувларини олиб борувчилар * телевидение суҳандони

* Эргаш Каримов миниатюра мактаби

Вилоятлардаги барча телевидение ва радио суҳандонлари режиссёрларини 1, 2 ойлик малака оширишга ўқинишга таклиф этади.

Саъват ва Маданият институтларига кирувчи абитуриентлар учун 3 ойлик тайёрлов курси ҳам эълон қилинади.

ЎҚУВ ДАСТУРИ

а) Актёрлик маҳорати в) Саҳна нутқи б) Саҳна ҳаракати г) Режиссёрлик маҳорати

ТАНЛОВГА

14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар таклиф қилинади.

МАШҒУЛОТЛАРНИ

Раъно Жўраева, Роза Каримова, Эргаш Каримов, Шерали Ҳожиёв, Нодир Шодиев олиб боради.

Ўқиниш тамомланганларга диплом берилади. Ўқинишга киришни хоҳлаганлар, биз сизни ҳар кунини соат 10.00 дан 18.00 гача куйидаги манзилгоҳда кутамиз:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй. Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси биноси, 1-қavat, 44-хона. Тел: 41-08-61

Авт: 28, 91, трол: 4, 20, трамв: 7, 8, 16. "Саъват Саройи" бекати. ШОШИЛИНГ, ТАНЛОВ ВАКТИ ЧЕГАРАЛАНГАН!

эгаси бўласиз. Жума зиддиятли ўтади. Шанба кунини асабийлашманг. Якшанба тижоратчилар учун омадли.

АСАД. Душанба кунини ойлик маош ёки мукофот оласиз. Сешанбада кайфиятингиз о"кей. Чоршанба, жума, шанба кунлари яқинингиз билан дийдорлашасиз. Фақат пайшанбада атрофдагилар билан яхши муомалада бўлинг. Якшанба ижодкорлар кунини.

СУНБУЛА. Ҳафта бошида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Сешанбада кўнгилли харид қиласиз. Чоршанбадан кўнгироқ кутинг. Пайшанбадаги хафагарчилик жумада соғлигингизга путур етказиши мумкин. Шанба кунини асабийлашманг. Якшанбада сирли учрашув.

МЕЗОН. Душанбада ишлар о"кей. Сешанба ҳамён учун баракали кун. Чоршанбада қаттиқ қувонасиз. Пайшанба кунини кўнгилдагидек харид қиласиз. Жумада асабини асранг. Шанба кунини кайфиятингиз яхши эмас. Якшанбада хушхабар эшитасиз.

АҚРАБ. Ҳафта бошида сизни алдаб кетишлари мумкин. Сешанба ва чоршанба кунлари бойлик эгаси бўласиз. Пайшанба кунини яқин одамнингизни кутинг. Жумада муҳим ишларга қўл урманг. Шанба кунини кўнгироқ якшанбадаги аъло кайфиятингизга сабаб бўлади.

ҚАВС. Душанбада соғлиқ, кайфиятингиз яхши эмас. Сешанба ва чоршанба кунини бой бўласиз. Пайшанбада яқин одамнингизни кутинг. Жума кунини бўладиган мишмишларга эътибор берманг. Шанбада сизни сўроқлашади. Якшанба қувончли келади.

ЖАДИ. Душанба хайрли келади. Сешанбада соғлигингизни уйланг. Чоршанба ва пайшанба кунлари молиявий аҳволингиз яхшиланади. Муҳим ишларни жумага қолдирманг. Шанба кунини яқин одамнингиз билан дийдорлашасиз.

ДАЛВ. Ҳафта бошида асабларингиз анча чарчагани сезилади. Сешанбадан кўнгироқ кутинг. Чоршанба кунини бой бўласиз. Пайшанбада сирли учрашув. Жума кунини бозорингиз бароридан келади. Шанбада хушхабар эшитасиз.

ХУТ. Душанба кунини ўз соғлигингизни уйланг. Сешанба ва чоршанбада сизни сўроқлашади. Пайшанба зиддиятли кун. Жумада хафа бўлмасликка ҳаракат қилинг. Шанба омадли келади. Якшанбада сирли учрашув.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Хуршид РЎЗИЕВ

ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАЎЗИЯТИМИЗ:
780083 Тошкент Мавзунчиқлар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин.